NAMANGAN HAQIQATI

VILOYAT HOKIMLIGINING NASHRI

79 – 80 – 81 – son (20407) | 15-oktabr 2026-yil

NAMHAQIQATI | @NAMA | NAMHAQIQATI | NAMHAQIQATI

ASALDEK SHIRIN TAASSUROTLAR SIZNI NAMANGANDA KUTMOQDA!

2026-yil 23–25-oktabr kunlari Namangan shahridagi «Afsonalar vodiysi» tematik parkida V xalqaro Asal festivali bo‘lib o‘tadi! Asalning yuzlab turlari, tabiiy ne’matlar, rang-barang ko‘rgazmalar va madaniy dasturlarga boy ushbu bayramga O‘zbekistonning barcha hududlari va xorijiy mamlakatlar mehmonlarini chorlaymiz!

V XALQARO ASAL FESTIVALI

23–25-OKTABR

ФОЙДАЛИ ҚЎЛЛАНМА



ГЕРМАНИЯГА ЭЛТУВЧИ КИТОБ

Замонавий дунёда хорижий тилни билиш инсоннинг тилшунослик соҳасидаги саводхонлигина эмас, балки бошқа жамиятда яшаш, меҳнат қилиш, таълим олиш ва турли ижтимоий муносабатларга мослашиш қобилиятини ҳам белгилаб беради.

Наманганлик ака-ука Юнусхон ва Зоҳиджон Содиқов(НамДУ профессори, филология фанлари доктори) ларнинг Тошкент шаҳридаги «Bookmany print» нашриётида чоп этилган «Германияга йўл» (Der Weg nach Deutschland) номли ўқув қўлланмаси ҳам ана шу эзгу мақсадни кўзда тутган ҳолда яратилган десак, тўғри бўлади.

Китоб НамДУ профессори, педагогика фанлари номзоди Саидумар Сайдалиев ва Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети доценти, филология фанлари номзоди Юсуф Исмоиловлар тақризи остида нашрдан чиққан.

Китобнинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда немис тилининг фақат грамматик қоидаларини келтириш ва изоҳлаш билан чекланилмаган, аксинча, Германиядаги жонли ҳаёт билан боғлиқ ҳолда муҳим тавсия ва маслаҳатлар берилган. Жумладан, немис тилида саломлашиш, ресторан ва супермаркетда мулоқот, транспортдан фойдаланиш, телефонда суҳбатлашиш, тиббий муассасалар, коммунал хизматлар, тураржой, расмий идораларда ҳужжатларни қандай қилиб тўлдириш, ишга кириш, виза масалалари ҳамда Франкфурт аэропортида паспорт назоратигача бўлган жараёнлар қамраб олинган. Бу, айниқса, хорижга биринчи марта бораётганлар учун жуда муҳим.

Чунки, ҳар қандай одам ўзга юртга борганида илк бор «Қаерга киришим керак?», «Қайси ҳужжатлар зарур?», «Ушбу идорада қандай мурожаат қиламан?», «Иш берувчи билан қандай гаплашаман?», «Уй эгасига муаммони қандай тушунтираман?» каби оддий, лекин ҳаётий саволларга дуч келиши, шубҳасиз. Шу маънода «Германияга йўл» китоби ана шу каби талаб ва эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, ушбу қўлланма Германияда чет элликларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва интеграциясига оид қонунини тушуниб олишга ҳам ёрдам беради. Жумладан, мазкур қонуннинг 4-бандида, чет эл фуқаросининг мамлакатга кириши ва унда бўлиши учун тегишли яшаш мақоми талаб қилиниши белгиланган. 4-«А» бандида эса ишга кириш масаласини тартибга солиб, яшаш ҳужжатида ишлашга рухсат бор-йўқлиги ва чекловлар кўрсатилиши лозимлиги белгиланган (Gesetze im Internet). Ёки Bundesmeldegesetz қонуни 17-параграфида ҳар бир фуқаро янги тураржойга кўчиб киргач, икки ҳафта ичида яшаш манзили бўйича рўйхатдан ўтиши керак (Gesetze im Internet) дейилган.

Бу қоидаларга изоҳ берилганининг аҳамияти шундаки, Германияга борган шахс «Менга иш таклиф қилишди» деб хотиржам бўлмаслиги керак. Яъни, унинг визаси, яшаши ва меҳнат қилиши учун рухсатномаси ўзаро мос бўлиши шарт. Шу маънода қўлланмада «Виза масалалари», «Иш ва меҳнат муҳити», «Расмий идоралар ва ҳужжатлар», «Ишга кириш ва интервью» каби бўлимларнинг ҳам ўрин олгани қимматини янада оширган.

Германияда яшаш ва ишлашни истаган инсон албатта, бу мамлакатнинг қонунларидан хабардор бўлиши лозим. Масалан, меҳнат соҳасида Arbeitszeitgesetz қонунининг 3-параграфида кунлик иш вақти, 4-параграфида ишда танаффус қилиш талаблари ва ҳоказолар белгилаб қўйилган.

Китоб муаллифлари яна бир муҳим масала, яъни Mindestlohngesetz, минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонунга ҳам эътибор қаратишган. Унга кўра, Германия Федерал меҳнат ва ижтимоий ишлар вазирлиги маълумотига кўра, 2026 йил 1 январдан мамлакатда бир соат учун минимал иш ҳақи 13,90 евро брутто қилиб белгиланган; 2027 йил 1 январдан у 14,60 еврога кўтарилади. Бу қоида, умумий тарзда, Германияда ишлаётган чет эл фуқароларига ҳам тааллуқли.

Германияда яшаб, ишламоқчи бўлганлар учун «Тураржой ва кундалик ҳаёт» мавзуси ҳам қизиқарли, албатта. Маълумки, Германияда ижара муносабатлари Burgerliches Gesetzbuch (BGB) билан тартибга солинади. Унинг 535-параграфида, жумладан, уй эгасининг ижарага берилган жойдан шартномага мувофиқ фойдаланиш имкониятини таъминлаши, ижарачи эса келишилган ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбурияти белгиланган. Шунинг учун, қўлланмада «Wie hoch ist die Miete?», «Sind die Nebenkosten inklusive?, «Ich habe ein Problem in der Wohnung» каби ибораларга изоҳ берилгани ҳам мақсадга мувофиқ бўлган.

Хорижга борган шахслар энг кўп учрайдиган муаммолардан яна бири жамоат транспортидан фойдаланиш масаласидир. Қўлланмада транспортлар йўналиши, бекатлар, чипта олиш, йўл кира нархини сўраш каби қатор ҳаётий масалалар бўйича немис тилида мулоқот қилиш қоидалари ҳақида ҳам маълумот берилган.

Хуллас, «Германияга йўл» китоби фақат талабалар учунгина эмас, балки немис тилини ўрганмоқчи бўлганлар, шу тилда сўзлашишни, амалий мулоқот қилишни хоҳловчиларга, шунингдек, Германиядаги меҳнат муҳити, ижтимоий мослашув, расмий идоралар билан муносабат, ҳужжатлар, виза тартиблари ва кундалик ҳаёт масалаларида фойдаланишни мақсад қилганлар учун ҳам қўлланма вазифасини ўташига ишонамиз.

Содиқжон ТЎЙЧИБОЕВ,
Наманган давлат университети юридик факультети ўқитувчиси.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ОСОНЛАШДИ



Ғуломжон УРУНБАЕВ, Косонсой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.

Президентимизнинг 2025 йил 9 сентябрдаги «Нотариат институтини янада ривожлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–280-сон қарорининг 2-иловасига мувофиқ, Нотариуслар томонидан композит шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди ва унга кўра давлат хизматларидан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралар орқали ҳам фойдаланиш имконияти яратилди.

Яъни, эндиликда фуқаролар давлат хизматлари марказларига бормасдан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралар орқали ҳам нотариал расмийлаштирилган ва идоравий нотариал архивга топширилган ҳужжатларнинг дубликатини бериш, идоравий нотариал архивга топширилган нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестр китобидан кўчирма бериш, нотариал расмийлаштирилган ва идоравий нотариал архивга топширилган архив ҳужжатларидан нусха бериш, идоравий нотариал архивда сақланаётган ҳужжатлар бўйича архив маълумотномасини бериш, никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги тўғрисидаги, фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик, туғилганлик, ўлим рўйхатга олинганлиги, оталик белгиланганлиги ва ёлғиз она аризасига асосан қайд қилинган туғилганлик ҳақидаги маълумотномаларни олиш бўйича аризаларни юборишлари ва бу бўйича тегишли шаклдаги ҳужжатларни ҳамда маълумотномаларни олишлари мумкин бўлади.

Шу билан бирга, юқоридаги ҳужжатга асосан, фуқаронинг номига янги нотариал ҳаракат расмийлаштирилганда автоматик тарзда уни Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига хабарнома юбориш, амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг ҳисобини юритиб бориш (архивлаш) тизими ҳам ишга туширилди.